

Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари»да «Азми катъий, тadbиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тadbирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир», деган ҳаётгӣ ҳулосага келганини ҳамда ўз тажрибасига таяниб, беш фазилат соҳибларини атрофига тўплаб, максadларига эришганини таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур очкўз, зикна, ёвуз ва нафси ёмонларни ёқтирмасди. «Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, – дейилади «Темур тузуклари»да, – хизмат пайтида ўз соҳибидан юз ўгириб, ҳузуримга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга ҳар турли хабар ва шикоятлар ёзиб, ўз ҳукмдори, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон берган туз ҳақини унутдилар, вафодорлик ва ҳақ-ҳуқуқни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимга «булар ўз хожасига вафо қилмагач, менга қилармиди?» деб ўйладим». Мана шу Амир Темурнинг ва у яшаган даврдаги миллий маънавиятимизнинг ёрқин намунаси эмасми!?

Ахлоқий фазилатлар ҳақида ўзининг фалсафий фикрларини баён қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари маънавий бойлик дурдоналари қаторига киритилади. Унда ҳам аждодларимиз маънавиятининг ёрқин намуналари акс эттирилган. Масалан, «Бобурнома»да темурий ҳукмдор Умаршайх Мирзонинг нақадар адолатли ва ҳалол инсон бўлганлигини кўрсатувчи бир маълумот келтирилган.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2018.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: «Ғ.Ғулом», 1993.
3. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. –Т.: «Ёзувчи», 2001.
4. Абу Райҳон Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар». –Т.: «Фан», 1972.
5. Ибн Сино. Изб. Филос. Произведения. –Москва: «Наука», 1980.
6. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, Т 1. –Т.: «Фан», 1968.
7. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. –Т.: «Фан», 1971.
8. Амир Темур. Темур тузуклари. –Т.: «Навруз», 1996.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2017.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада юксак маънавиятли ва баркамол авлодни тарбиялашда маънавий мероснинг ўрни ва аҳамияти, ундан ижобий фойдаланиш масалалари ҳамда бугунги кунда уларга берилаётган эътибор ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются роль и значение духовного наследия в воспитании высокодуховного и гармоничного поколения, вопросы его позитивного использования и уделяемое им сегодня внимание.

SUMMARY

The article discusses the role and significance of spiritual heritage in the upbringing of a highly spiritual and harmonious generation, the issues of its positive use and the attention paid to them today.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ЁШЛАР ТАРБИЯСИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК МОҲИЯТИ

Қ.Қадилов - филология фанлари номзоди, доцент

Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: миллий ғоя, олий таълим, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси, педагогик соҳа.

Ключевые слова: национальная идея, высшее образование, образование и обучение, духовность и просвещение, воспитание молодежи, педагогический сектор.

Key words: national idea, higher education, education and training, spirituality and enlightenment, youth education, pedagogical sector.

Шиддат билан глобаллашиб бораётган бугунги даврда жаҳонда инсоният учун хавф солаётган улкан маънавий таҳдидлар авж олиб бормокда. Бу эса дунёдаги кўплаб мамлакатлар ва халқларнинг иқтисодий, сиёсатига ва маънавиятига жуда катта салбий таъсирини кўрсатди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида мустақиллиги йиллари давомида барча соҳаларда улкан ўзгаришлар юз берди. Халқимиз миллий истиқлол ғояси остида бир максad йўлида бирлашди, лекин миллий мустақиллигимиз натижасидаги ютуқларимизни кўраолмайдиган, миллий маънавий кадрларимизнинг кадрсизланишига қаратилган ғоявий таҳдидлар ҳамон давом этмокда.

Инсониятга таҳдид солаётган халқаро терроризм ва

Бир йили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик қарвон Ўш тоғларида қор кўчкиси остида қолиб ҳалок бўлган. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, қарвоннинг юқларини назорат остига олдирган. Эгалари ҳалок бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб, сақлаган. Хуросон ва Самарқандга махсус одам юбориб, қарвон эгаларининг меросхўрларини топтирган ва уларни ўз мамлакатига қақиртириб, молларини тўлалигича қўлларига топширган. Бундай мисолларни ўтмишдаги оддий одамлар ҳаётидан ҳам керагича келтириш мумкин. Ҳозирги даврда ҳам ҳаётимизда шундай эзгу тушунчалар барқарор ва устувор. Бундай мисоллар маънавиятимизнинг миллий-этниқ асослари мустаҳкам эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев тарихимизнинг бойлиги, бугунги кунда ёшларга яратиб берилаётган шароитларни изохлаб шундай дейди: «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойлиқларимиз бор. Ва мен ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади» [9:482].

Бу эзгу максad йўлида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар давлатимиз сиёсатининг диққат марказида турибди. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда орзу-ҳаваслар рўёбга чиқа оладиган муҳит юзага келдики, ана шу имкониятлардан самарали фойдалана олсак, барча ниятларимиз рўёбга чиқиши аниқ, албатта.

экстремизм дунё мамлакатлари тараққиёти, давлатларaro ижтимоий ҳамкорлиқнинг ашаддий душманига айланиб бормокда. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлагани каби, «бу офат қачон, қайси томондан, қандай ҳужум қилишини ҳеч ким билмайди» [5]. Дарҳақиқат шундай, шунинг учун ёшларни ғоявий ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда маънавий таҳдидларни ўз вақтида илғаб, жаҳолатга қарши маърифат билан, ғояга қарши ғоя билан, муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг ечимини топиш ижтимоий ҳамкорликда ёшлар ғоявий тарбиясини тубдан ислоҳ қилишни тақозо қилмокда. Шунинг учун асосий эътиборни бу соҳадаги мавжуд

муаммо ва камчиликларни танқидий таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш ва замон талаблари асосида яхшилаш бўйича вазифаларни белгилаб олиш зарур.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларнинг асл моҳияти ва пировард мақсади - бугунги мураккаб ва таҳликали замонда халқимиз маънавиятини ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, азалий миллий кадриятларимизни сақлаб қолиб, ривожлантириш, ёшларимизни Ватанимизга, миллий ғоямизга садоқат руҳида тарбиялашдир. Бу борада кейинги йилларда бир канча муҳим ҳужжатлар, жумладан, олий таълим тизимини модернизациялаш, ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш, ёшларни адабиёт, маданият ва санъат соҳаларига қизиқтириш, диний маърифатни такомиллаштириш ва бошқа муҳим масалалар тўғрисида қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Зеро давр биздан “Бугунги мураккаб мафкуравий глобаллашув замонида халқимиз, ёшларимиз маънавий ҳаёти қандай кечаяпти?” “Қандай қилиб Интернет ва юксак технологиялар асрида миллий маънавиятимизни сақлаб қолиб, юксалтирамиз?”, “Жаҳолатга қарши маърифат билан қандай курашишимиз керак?” деган саволларга илмий асосли, амалий ишларимиз билан жавоб беришни талаб қилмоқда.

2018 йил август ойида ижодкор-зиёлилар билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев маънавият, маърифатни мудофаа вазирлигига тенглаштиргани бежиз эмас. Чунки дунёда ғоявий кураш кетаяпти. Бу кураш тўхтамайди. “Ўзбекино” раҳбарлари билан учрашувда “маънавий йўналишларимиз иқтисодий йўналишлардан ўн кадам олдинда юрса, бизнинг катта-катта режаларимиз, дастурларимиз амалга ошишини тушунтирган Президентимиз тузилаётган режалар, дастурларнинг ким учун, нима учун қилинаётганини тушунган халқ кучли, қудратли бўлишини, буни эса маънавият ва маърифат тушунтириши, қуроллантиришини ўқтирди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномасида “Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-поқ бўлиб меҳнат қилсак, кўзлаган барча марраларимизга албатта етишамиз” деб таъкидлади [4]. Бунда ҳам халқ, ёшларнинг маънавияти назарда тутилди. Чунки маънавиятли одам садоқатли бўлади. Ўз бurchига хиёнат қилмайди, ўзи ўзини алдамайди. Ҳалол-поқ меҳнат қилади.

Дунёнинг энг ривожланган давлатларидан Япония, Жанубий Корея тарихига қарасак, миллий ғоя халқни сафарбар қилиб, вайронага айланган бу мамлакатларни юксак ривожланган давлатга айлантирди. Энди юксалиш навбати Ўзбекистонга келди. Чунки япон, корейлар ўз бахтини ўз қўллари, ақли, инновациялари билан яратишди. Ҳеч ким четдан қилиб уларни бахтли қилгани йўқ. Миллий ғоя уларни инонтирди, ишонтирди, сафарбар қилди. Биз мана шундай хорижий тажрибалар асосида миллий ғоямиз замоннинг янги талаблари асосида халқимизни “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” олиб бормоқда. Зеро Ватаннинг бахтли келажагини кўрсатиб, завқлантира олмайдиган ғоя миллатни сафарбар қила олмайди. Шунинг учун Олий Мажлисга Мурожаатномада “Миллий ғоя нима учун керак?”, деган саволни ўртага ташлаган Президент Шавкат Мирзиёев “Ватанни севиш учун”, деб жавоб берди. Буларнинг барчаси ёшлар, ҳусусан миллатнинг бўлажак зиёдилари қатлами – ёшларни ғоявий тарбиялашга давлат томонидан ифодаланган ижтимоий буюртма бўлиб ҳисобланади. Бунда “Авваламбор, «оммавий маданият» кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз

масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак” [6].

Миллий ғоя ҳаётий бўлиши, биз бошлаётган инновацион ривожланиш, яшаш маданиятини аҳоли, ёшларга ўргатиши, ватанпарвар, кўп иш ўринларини яратган экспортчи тадбиркорларни тараннум қилиши, ҳар бир фуқарони ўз-ўзига “Мен Ватаним Ўзбекистонни қандай севаман?”, деган виждон саволини беришга даъват қилиши керак. Айниқса, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий кадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга халқимизни сафарбар қилиши талаб этилмоқда.

Ғоявий тарбияни модернизациялаш мамлакатимизда фаол тадбиркорлик ва инновацион технологияларни қўллаб-қувватланаётган, илм, маърифат, рақамли иқтисодиёт ривожлантирилаётган жараёнлар билан вўғун бўлиши талаб этилмоқда. Мана шундай янги тарихий вазиятда “Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш учун халқимиз, ёшларимизда қайси фазилатларни кучайтириб, қайси иллатларга чек қўйишимиз керак?”, деган саволларга илмий жавоблар керак. Бу саволга маънавият жавоб бериши ва халқимизни бунёдкор ишларга даъват қилиши керак. Демак, педагогик-психологик илмий лойиҳалар асосида яхши фазилатларни ривожлантириш, лоқайдлик, ҳасад, кўролмаслик, исрофгарчилик, масъулиятсизлик, меҳрсизлик, гийбат каби маънавий иллатлар профилактикасини илмий педагогик асосга қуриш керак бўлади. Чунки ўтмишдаги буюк боболаримизнинг хизматларига, юксак маънавиятига махлиё бўлиб, ўзимизнинг бугунги, эртанги маънавиятимизга бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 апрель ПҚ-2909-сонли қарорида олий таълим зиммасига “олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўлмали маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш” [7] вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль кунги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги зиммасига:

- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларни мустақиллик ғояларига садоқат, миллий кадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлашни асосий вазифалар сифатида юклатилди.

Ғоявий тарбияни модернизациялашнинг глобал талабларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош

ассамблеясининг 72-сессияси минбаридан эълон қилинди. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан “Жаҳолатга қарши маърифат” билан кураш тамойили сифатида эътироф этилди ва қўллаб қувватланди, жорий этилди. Жаҳолат фақат дин соҳасида эмас, балки иқтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида дуч келиш мумкин. Бу иллатга маънавий, маърифат, ғоявий тарбия билан қарши турилмаса, миллий юксалиш, тараққиёт ва ривожланишнинг маънавий кудратини таъминлаб бўлмайди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 2 март кўни “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимиз ва Олий Мажлиснинг 2019 йилдаги тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси». –Тошкент: 2018 йил, 28 декабрь.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўли. Т.6. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998, 429-б.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: «Ўзбекистон», 2017, 29-б.
7. «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель ПҚ-2909-сонли Қарори.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёшлар тарбияси соҳасидаги ислохотларнинг стратегик моҳияти ҳақида сўз боради. ёш авлодни ғоявий тарбиялашда олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий маърифий тадбирларнинг кўлами ҳамда сифатини ошириш ва уларнинг ҳаётийлигини таъминлаш ҳам бугунги ислохотларнинг асоси сифатида қаралган.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается стратегический характер реформ в сфере молодёжного образования. Повышение масштабов и качества духовно-просветительских мероприятий, организуемых в высших учебных заведениях и обеспечение их жизнеспособности в идеологическом воспитании подрастающего поколения, также рассматривается в качестве основы сегодняшних реформ.

SUMMARY

The article discusses the strategic nature of reforms in the field of youth education. Increasing the scale and quality of spiritual and educational events organized in higher education institutions and ensuring their viability in the ideological education of the younger generation is also considered as the basis of today's reforms.

НЕКОТОРЫЕ ИСТОРИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЯ ЭТАПОВ РАЗВИТИЯ ОСНОВНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ

А.Ш.Кайпназаров – ассистент преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: тарихий аспектлар, Жанубий Оролбўйи, атроф-муҳит, экологик муаммолар, Орол денгизи, халқаро ҳамкорлик.

Ключевые слова: исторические аспекты, Южное Приаралье, окружающая среда, экологические проблемы, Аральское море, международное сотрудничество.

Key words: historical aspects, south Aral Sea region, environment, environmental problems, the Aral Sea, international cooperation.

Определение, данное Аральскому экологическому кризису Н.Ф.Глазовским (1990), в настоящее время является общепринятым. Определение гласит, что кризис, по сути, является экологическим, так как заключается в снижении качества окружающей среды, деградации экосистем и их отдельных компонентов в бассейне Аральского моря, ухудшении здоровья населения, снижении эффективности хозяйства, росте социальной напряжённости, а также в усыхании самого Аральского моря: падении уровня, повышении минерализации воды и гибели водной экосистемы. В качестве основной причины развития этого явления указывается неверная стратегия развития производительных сил региона, развитие сельского хозяйства за счёт производства водоёмких культур, без учёта ограниченных водных ресурсов региона [7].

Это честолюбивое стремление человечества вызвало почти все глобальные климатические, гидрологические и геологические изменения, которые проявились в тепличном эффекте, потере рек, озёр и водно-болотных угодий, в широком распространении опустынивания. Безудержное стремление людей якобы к своему благополучию, а фактически, в основном, к увеличению состояния, господству и владению собственностью, в конце концов, сменилось пониманием того, что все в этом мире взаимозависимо и имеет свои последствия,

которые проявляют себя как нарушения в естественных процессах и изменения в беспрецедентно крупных масштабах [8, 12, 18].

Рассмотрение развития проблемы удобно проводить по периодам, объединённым по каким-либо событиям. Весь период развития экологического кризиса Н.Ф.Глазовский (1990) разделил на три этапа несоответствия с изменением осознания проблемы: в первый - 60-е годы - середина 70-х -наблюдалось «Отсутствие внимания к проблемам, связанным широким развитием орошения в регионе. Предполагалось полное исчезновение моря» [7]; во второй - с середины 70-х по середину 80-х происходило постепенное осознание учёными острой экологической ситуации, возникающей в Приаралье, определение задач по её улучшению, по-прежнему поддерживалось расширение орошения; и в третий - с середины 80-х по начало 90-х, когда произошло осознание причин Аральского кризиса, были проведены анализ результатов изучения, широкое обсуждение общественностью, создание общественных комитетов по спасению Арала. На этом этапе развития поменялись мнения и позиции ответственных руководителей центрально-азиатских республик, ряда министерств и ведомств, мелиораторов, тенденция признания необходимости ограничения орошения и разработки мероприятий по решению разразившегося экологи-